



№ 75113-У

20 20 yil "27" avgust

**Учтепа туманидаги умумий ўрта таълим муассасаларида  
ўқув жараёнларини босқичма-босқич тиклаш чора-тадбирлари  
тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан ҳамда Учтепа тумандаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув жараёнларини босқичма-босқич тиклаш, пандемия шароитида таълим бериш жараёнини санитария-эпидемиология талаблари асосида сифатли ташкил этиш мақсадида, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа туман Халқ таълими бўлими бошлиғи Ў.Курбановнинг Учтепа туманидаги 1-11 синф ўқувчиларининг ўқув жараёнини бошлаш бўйича ота-оналар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутатлари, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ота-оналарнинг 2020 йил 14 сентябрь кунидан бошлаб барча санитария-эпидемиология талабларини инобатга олган ҳолда Учтепа туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида янги 2020/2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. 2020/2021 ўқув йили бошланиши муносабати билан пандемия шароитида умумий ўрта таълим муассасаларида санитария-эпидемиология хизматининг асосий талаблари этиб қуйидагилар белгилансин:

- ҳар куни мактабда дарс жараёнларини бошлашдан олдин мактаб ҳудуди ва хоналарида белгиланган тартибда дезинфекцияловчи воситаларни қўллаган ҳолда умумий тозалаш ишларини ўтказиш;

- ҳар куни тиббий ёки масъул ходимлар томонидан ўқувчилар ва мактаб ходимларининг тана ҳароратини контактсиз пирометр ёрдамида ўлчаш;

- барча ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ва қонуний вакиллари таълим муассасасига тиббий ниқобларда келишини назорат қилиш;

- дарслар махсус жихозланган синфларда ташкил этилиши лозим бўлган фанлар (*жисмоний тарбия, тасвирий санъат, технология фанлари ва бошқа*)дан

ташқари мактабда дарс машғулотлари хонадан-хонага кўчмаган ҳолда “синф системасида” ўтказиш, яъни ҳар бир синф битта хонада масофа саклаган ҳолда жойлаштирилиши ва ўқиши;

4. Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаева, туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Мирзаев ва Учтепа туман Халқ таълими бўлими бошлиғи Ў.Курбановга:

- Тумандаги 33 та умумтаълим мактабларига маҳалла фуқаролари йиғини раислари ва профилактика нозирлари бириктирилсин;

- - мактаб очилишидан аввал санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган тартибда мактаб ҳудуди ва барча хоналарни дезинфекцияловчи воситалар билан зарарсизлантириш ва контактсиз пирометр воситалари билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек уларнинг захирасини шакллантириш чоралари кўрилсин;

5. Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази (А.Хасанов)га

- Тумандаги умумтаълим мактаб бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлансин.

- Учтепа туманида жойлашган умумтаълим мактаблари ишчи-ходимлари covid-19 инфекциясига ҳар ойда текширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раиси**



**Ф.Абдуллаев**



№ 76/13 - II

20 20 yil " 27 " avgust

**Туман аҳолисининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш («темир дафтар»), тадбиркорликни ривожлантириш, бюджет даромадларини ошириш ва хорижда меҳнат қилган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлари натижадорлиги тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида туман ҳокимлари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш («темир дафтар»), тадбиркорликни ривожлантириш, бюджет даромадларини ошириш ва хорижда меҳнат қилган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш борасида белгилаб берилган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатисининг 2020 йил 24 августдаги 01-22/1359 ва 01-1/568-сонли топшириқ хатлари ижросини таъминлаш юзасидан Учтепа туман ҳокими Ф.Абдуллаевнинг ахборти тингланиб, иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштиришга доир вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Учтепа туман ҳокими Ф.Абдуллаевнинг туман аҳолисининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш («темир дафтар»), тадбиркорликни ривожлантириш, бюджет даромадларини ошириш ва хорижда меҳнат қилган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлари натижадорлиги тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаева ва туман аҳоли бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғи А.Камиловга:

— Темир дафтарга кирмай қолган, бироқ ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилаларнинг юқори ташкилотларга мурожаатларини ўрганиб чиқиб, «темир дафтар»га киритиш, уларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан ёрдам кўрсатилиши юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

— Ишлаш истагини билдирган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга мухтож фуқаролар, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг рўйхатини

шакллантириб, туман аҳоли бандликка кўмаклашиш маркази орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;

— туманда ҳар бир сектор кесимида аҳолини хорижда меҳнат қилиб қайтган фуқароларни айниқса ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни бандлик даражасини ошириш ишларини жадаллаштириш

3. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Шуқуралиев), туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), туман Молия бўлими (А.Рустамов) тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда:

— Учтепа туман маҳаллий бюджетнинг 2020 йил учун даромад прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажарилиши ва барча даромад манбалари бўйича сифатли ижросини таъминлаш;

— Қўшимча солиқ базаларини аниқлаш, бюджетга боқиманда қарздорликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилсин.

4. Мазкур қарорни назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раиси**



**Ф.Абдуллаев**